



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 26 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 182 (13.779)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖДА ТАЙЁРЛАШ ВА ВАТАНДОШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА “ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Хорижда яшаётган ва профессионал фаолиятини юритаётган ватандошларимиз, айниқса, катта илмий салоҳиятга эга олимлар, мутахассислар ва истеъдодли ёшлар билан аҳоли ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун зарур, жаҳон меҳнат бозорига рақобатбардош ва юқори малакали мутахассисларни ҳам етакчи хорижий таълим муассасаларида, ҳам Ўзбекистонда тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали шундай кадрлар билан таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қўшидаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) этиб қайта ташкил этилсин.

2. Белгиланган бўлишича, Жамғарма Хорижда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировкаси ва ўқишини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

хориждаги нуфузли илмий-тадқиқот, таълим ва тиббиёт муассасаларида, иқтисодиётнинг бошқа истиқболли тармоқларида, айниқса, энг янги материаллар ва инновацион технологияларни ишлаб чиқариш ва қўллаш соҳаларида ишлаётган, қимматли илмий ва амалий тажрибага эга ватандошларимиз билан алоқалар ўрнатиш;

давлат органларининг кадрлар бўйича хизматлари томонидан фойдаланилиши ва онлайн тарзда излаш амалга оширилиши мумкин бўлган жаҳон мамлакатлари ва мутахассислар бўйича каталоглаштирилган қимматли илмий ва амалий тажрибага эга ватандошларнинг электрон реестри (маълумотлар базаси)ни яратиш ва юритиш;

хорижий олимлар, ўқитувчилар, муҳандислар ва бошқа мутахассислар, шу жумладан, ватандошларни таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларида, айниқса, янги, истиқболли тармоқларга жалб этиш, улар учун қўлай шартитлар яратиш, долзарб муаммоларини ҳал этиш, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тadbirlарни амалга ошириш;

таълим, соғлиқни сақлаш ва иқтисодиёт соҳаларида ишлаётган ватандошлар орасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари бўйича уларнинг гоё ва фикрларини тўплаш, умумлаштириш ва тегишли ташкилотларга етказиш, шунингдек, тўпланган материалларни тайёрлаш ва тарқатишнинг самарали тизимини яратиш;

хорижда Ўзбекистоннинг ижобий имиджини шакллантириш ва қўллаб-қувватлашда, шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг нуфузли таълим ва илмий марказлари билан алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳамкорлиқни ривожлантиришда ватандошлар салоҳиятидан фол фойдаланиш;

ривожланган мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида магистратура ва докторантура дастурлари бўйича танлов ўтказиш ва тайёргарлиқни, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларида истиқболли мутахассислар, шу жумладан, педагоглар ва илмий кадрлар учун малака оширишни ва стажировкадан ўттишни ташкил этиш;

нуфузли хорижий таълим ва илмий муассасаларда истиқболли мутахассисларни ўқитишни мониторинг қилиш, уларнинг Ўзбекистонда муносиб ишга жойлаштиришга қўмаклашиш, ушбу мутахассисларнинг меҳнат фаолиятини монито-

ринг қилиш, уларнинг касбий жиҳатдан ўсишига ва мансаб пиллаояларида кўтарилишига қўмаклашиш;

ҳам мамлакатимиз, ҳам хорижий экспертларнинг, шу жумладан, ватандошларимизнинг Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг боришига оид таҳлилий материаллари чоп этиладиган журналлар, илмий тўпламларни тайёрлаш ва кенг тарқатиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ишлар ҳолатини мониторинг қилиш ҳамда кадрларни хорижда тайёрлаш ва хорижий мутахассисларни жалб этиш тизимини тақомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, давлат бошқаруви соҳаларида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг давлат тўқималари ва нодавлат ташкилотлари билан алоқаларни йўлга қўйиш, уларни ҳамкорлик ва ривожланиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси тўзимаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби 3-иловага мувофиқ;

Хорижда таълим олиш, стажировка ўташ ва малака ошириш учун номзодларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МДҲ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 27-28 сентябрь кунлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Саммит кун тартибидан турли соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янада ривожлантиришнинг жорий ҳолати ва истиқболларига доир кенг қўламли масалалар ўрин олган.

Шунингдек, давлат раҳбарлари 2019 йилда МДҲга раислик қиладиган давлатни, МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш жойи ва муддатини белгилаш масаласини кўриб чиқади, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб муаммолари юзасидан фикр алмашади.

Мажлис якунида қатор салмоқли ҳужжатлар, жумладан, МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг 1948 йил 10 декабрдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги муносабати билан баёноти, 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш бўйича асосий тadbirlар режаси, 2019-2023 йилларга мўлжалланган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳамкорликдаги саяёҳаракатлар давлатларaro дастури, Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши кўтилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг ташрифи доирасида Душанбе шаҳрида икки томонлама қатор учрашувлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

ЎЗА

КЛАСТЕР – “ҲАЗИНАЛАР САНДИФИ”

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган интеграция глобаллашув жараёнига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу, бир томондан, қўшимча қиймат яратишнинг трансмиллий “занжири”ни кўзда тутган ҳолда, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш соҳасида ҳам рақобатни кучайтирмоқда.

Президентимизнинг интеграцияга қаратаётган эътиборини бугун Европанинг ривожланган давлатлари юқори баҳоламоқда. Айниқса, юртимиздаги фан-таълим тизимидаги интеграциялашув жараёни катта анжуманларда, халқаро симпозиумларда тан олинган. Агар иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган давлатлар таърибасига назар ташласак, бу юқорилик замирида илм-фанни тубдан ривожлантириш турганига ғувох бўламиз.

Интеграцияларнинг кичик даражаси мамлакатлар иқтисодиётида янги ҳужалик юритиш тизимини шакллантириш йўли ҳисобланиб, ўзаро пировард маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва географик яқин бўлган корхона ва ташкилотларни ўз ичига олган кластерлар яратишди.

“Кластер” атамаси французча бўлиб, “боғлам”, “гурӯх”, “тўпланиш” маъноларини беради. Қўёсий таъриф берсак, бу – “ҳазиналар сандиги”дир. Кластер назариясини ўрганиш жаҳон ҳамжамиятида тез суръатларда ўсиб бормоқда. Уни амалиётда қўллаш эса миллий ва минтақавий иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларига айланмоқда. Кластер назарияси илмий жараёнга маркетинг стратегияси шаклида, давлат, ҳудудлар ва минтақалар корхоналарининг бозордаги рақобат мўҳида голиб бўлишини таъминловчи гоё-усули сифатида кириб келди.

Кластерларни шакллантиришдан мақсад шахар, туман ва вилоят ичида жойлашган бир хил соҳа корхоналарини ва улар билан ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, инжиниринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертифицилаштириш ва бошқа хизматларни ўйғунлаштириш – инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар яратишга йўналтиришдан иборат. Бунда аҳолини иш билан таъминлашдек мўҳим жиҳат ҳам ўзини намойён этади.

Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик sanoatida кластер тизимини жорий қилиш ташаббуси мамлакат кишлоқ ҳўжалигини яхлит бир тизим асосида ривожлантириш учун мўҳим омил бўлди. Энг мўҳими, бу тизим асосида мамлакатимизнинг кишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган олимлар бир-лашди.

Давлатимиз раҳбарининг “Энг мўҳим вазифа – халқимиз онгидан инновацион тафаккурни шакллантириш, инновациялар бўлмаган жойда ривожланиш ва рақобат бўлмайди”, деган гоёвий фикри замирида катта ҳаётий маъно муҳассам.

Шу маънода, кишлоқ ҳўжалиги тизимида миллий бойлигимиз ҳисобланган пахта-тўқимачилик кластерида қўлланилаётган инновацион гоёлар нафақат энгил sanoatini, балки кишлоқ ҳўжалиги, озик-овқат, фармацевтика, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби ўнлаб тармоқларни ҳам қамраб олади.

Ўзбекистонда пахта хом ашёсининг асосий истеъмолчиси тўқимачилик sanoatini бўлиб, у республиканинг sanoatini комплексида мўҳим ўрин тутди. Кишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Бақридон ЗАРИПОВ,
Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети профессори,
биология фанлари доктори,
академик



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб “Соғлом ва маънавий етук авлод – юрт келажиги!” шiori остида “Болалар китоби” республика фестивали ва китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

“БОЛАЛАР КИТОБИ” ФЕСТИВАЛИ – МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ БАЙРАМИ

Болалар ва ота-оналарни китобхонликка қорлаш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавий савиясини юксалтириш, мамлакатимизда фаолият юритаётган кутубхоналар, болалар наشريётлари фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган фестивал ташкилотчилари Матбуот ва ахборот агентлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тadbirlар муносабати билан кутубхонамиз фойеси ва ўқиш залларида болалар адабиёти намуналари кўргазмаси, сараланган бадий, маънавий-маърифий, энциклопедик китоблар тақдими намойиш этилмоқда, – дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мутахассиси



Мухаддас Бобомухаммедова. – Бундан ташқари, чегирмали китоб савдоси ҳам ташкил этилган. Болаларнинг эртак-тарак асосида чизган расмлари кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Ёш китобхоналаримиз учун ноширлар билан ижодий учрашувлар ўтказилди.

Миллий кутубхонанинг “Навоий” залида болаларнинг мўмтоз адабиёт ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш мақсадида адабий викторина ҳам ташкил этилди.

Бугунги фестивал наشريёт ходимлари, айниқса, биз каби болалар адабиётини нашр этишга ихтисослашган наشريётлар учун айна мўдао бўлди, – дейди Чўлпон номидаги наشريёт-матбаа ижодий ўйи бош муҳаррири Даврон Улғумуродов. – Меҳнатимиз самарасига муносиб баҳо ола-

миз, шу асосда келгуси фаолиятимизни белгилаймиз. Нашриётимиз бугунги тадбирга 100 дан ортиқ номдаги китоблар билан иштирок этмоқда. Бу болаларда қизиқиш уйғотида, деган умиддамиз.

Фестивалнинг бадий қисмида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги болалар кутубхонасининг “Китобларни қўлайимиз!” мавзусида театрлаштирилган концерт дастури намойиш этилди.

“Болалар китоби” республика фестивали мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлиб ўтмоқда.

И.АХАТОВА,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон – Ҳиндистон: ПАРЛАМЕНТАРЛО АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Бугун жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг янги тарихидаги тинчликсевар ташқи сиёсати ўзаро ишонч, ҳамкорлик ва очиқлик тамойиллари асосида изчил амалга оширилаётганини эътироф этмоқда.

Албатта, халқаро алоқаларни кучайтириш ва мустаҳкамлашда хорижий давлатлар билан парламентларaro ҳамкорлик ҳам мазмунан бойиб бормоқда. Бу ҳозирги даврда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Боиси, парламент қўйи палатасининг халқаро алоқалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга мос равишда янги сифат босқичига кўтарилимоқда. Етакчи хорижий давлатлар парламентлари ва ҳукуматлари, халқаро ташкилотлар ҳамда чет мамлакатларнинг элчихоналари билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик янги-ча мазмун-моҳият касб этмоқда. Парламентларaro алоқалар доирасида ташрифлар алмашилиб, хорижий парламентлар вакиллари, сиёсатчилар ва дипломатлар

билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада кенгайтириш бўйича қатор учрашувлар ва музокаралар ўтказилди.

Мамлакатимиз парламентининг халқаро алоқаларини янада кенгайтириш мақсадида Олий Мажлис қўшида 22 та парламентларaro дўстлик гуруҳи ва 2 та парламентларaro ҳамкорлик комиссияси фаолият юритмоқда. Кейинги икки йил давомида Жанубий Корея, Россия, Хитой, Европа Иттифоқи, Бельгия, Буюк Британия, Франция, Япония, Туркия, Италия каби жаҳоннинг ривожланган давлатлари парламентлари билан ҳамкорлик гуруҳлари ташкил этилди. Ҳозирги кунда парламентимизда Ҳиндистон парламенти билан ҳамкорлик гуруҳини ташкил этиш бўйича амалий ишлар кетмоқда.

(Давоми 2-бетда)

гаши билан ҳамкорликда Окқўргон туманида давра суҳбати ўтказилди.

• Жорий йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида ҳам пахта кластер усулида етиштириш йўлга қўйилди. Бунинг учун туманда “Boston Klaster” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Лойиҳага кўра, 11 минг 40 гектар майдонга чигит экилди. Ҳар гектардан ўртача 22 центнердан, жами 24 минг 264 тонна ҳосил олиш режалаштирилмоқда.

• “Бағрикенг Ўзбекистон” ёшлар фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Мамлакатимизда ёшлар ўртасида миллатларaro товуллик ва диний бағрикенглик гоёларини кенг тарғиб қилишга қаратилган фестивалда унинг шахар-туман босқичларида голиблиқни қўлга киритган 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар 5 йўналиш –

иншо, шеърят, тасвирий ва фотосанъат ҳамда турли миллат ва элат вакиллариининг миллий рақслари бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.



• АҚШ ва Жанубий Корея президентлари томонидан хар иккала мамлакат ўртасида эркин савдо тўғрисидаги янги битим имзоланди.

• Нидерландиянинг Зволле шаҳрида қайта ишланган пластикдан велойўлак барпо этилди. Йўл қопламаси фойдаланилган пластик идишлардан тайёрланган. У йўлга тез ўрна-тилади ва қизиқ кетишнинг олдини олади. Ички қисмидан электр ва алоқа симларини ўтказиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖДА ТАЙЁРЛАШ ВА ВАТАНДОШЛАР
БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА “ЭЛ-ЮРТ УМИДИ”
ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

5. Белгилансинки:
Жамғармага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тайинланган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;
Жамғарма директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, маиший, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартликлари қўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, унинг ўринбосарлари эса вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

Жамғарма ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидаги тегишли лавозимлар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш миқдорлари ва шартликлари татбиқ этилади;

Жамғарма ходимларига улар ишнинг ҳажми ва самарадорлигидан келиб чиққан ҳолда директор қарорига асосан лавозим маошларининг 100 фоизига миқдорда ойлик устам белгиланади.

6. Жамғарма директори:
Жамғарма тузилмасига, зарур ҳолларда, ходимларнинг белгиланган соҳи ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартириш киритиш;

Жамғармага юклатилган вазифаларни бажаришга давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг малакали ишчи ва мутахассисларини шартнома асосида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:
Жамғарманинг молиявий кўмағида хорижда магистратура ва докторантура дастурлари асосида таълим олган, малака оширган, стажировка ўтаган стипендиатлар зиммасига стипендиат билан тузилган шартномада белгиланган мuddат давомида олий таълим муассасаси ёки илмий муассасида, шунингдек, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларида ишлаб бериш мажбурияти юклатилади;

стипендиат уэрсиз сабабларга қўра хорижий таълим ва илмий муассасаларнинг талабалари сафидан чиқарилганда, малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таълим тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек, олий таълим муассасаси ва илмий муассасида, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларида меҳнат фаолиятини давом эттиришдан бош тортганда Жамғарма томонидан стипендиатни ўқитишга сарфланган барча молиявий харажатлар стипендиат томонидан қўллаб берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази хорижда таълим олиш, малака ошириш ва стажировка ўташ учун номзодларни танлов асосида танлаб олишни ташкил этишда Жамғармага ҳар томонлама услубий ёрдам кўрсатсин.

9. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Жамғарма йўналиши бўйича хорижий мамлакатларда таълим олган, шу жумладан, фан доктори илмий даражасини олган стипендиатларнинг таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларини махсус синоваларсиз нострификациядан ўтказишни (эквивалентлигини белгилашни) таъминласин.

10. Жамғарма харажатларини молиялаштириш манбалари этиб қўйиладиган белгилансин:

а) стипендиатларни хорижий таълим ва илмий муассасаларида ўқитишни, уларнинг малакасини оширишни ва стажировка ўташини ташкил этиш, хорижий мутахассисларни, шу жумладан, ватандошларимизни республикада меҳнат фаолиятини амалга оширишга жалб этиш бўйича;

2018 йилда — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муас-

сасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасидан олий таълим муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қўзда тутилган ҳажмининг 10 фоизига миқдорда Жамғарманинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ажратиладиган маблағлар;

2019 йилдан бошлаб — кейинчалик тегишли йилдаги истеъмол нархларининг прогноз индексига тенг коэффициентни қўллаган ҳолда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган 45 миллиард сўм миқдоридagi маблағлар;

тегишли йилда Жамғармага ажратиладиган бюджет маблағлари умумий суммасининг 5 фоизи миқдорда республика олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари (оширилган шартнома ставкалари бўйича тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган) маблағларидан ажратмалар; жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари; халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарманинг жорий таъминоти, шу жумладан, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва Жамғармага юклатилган вазифаларни бажариш бўйича;

2018 йилда — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Жамғарманинг Васийлик кенгаши томонидан белгиланган миқдорда республика олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари (тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган) маблағларидан ажратмалар;

2019 йилдан бошлаб — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ҳўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушумлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Республика олий таълим муассасалари рўйхати ва бюджетдан ташқари (оширилган шартнома ставкалари бўйича тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган) маблағлардан Жамғармага ажратмалар суммаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Жамғарманинг Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади.

11. Жамғарма 2022 йил 1 январга қадар давлат мақсадли жамғармаларига солиқ ва мажбурий тўловлардан озод қилинсин.

12. Жамғармага тўртта енгил автотранспорт воситаси, шу жумладан, учта шахсий ва битта наватчи автомобил саклаш учун лимит ажратилсин.

13. “Ўзавтосаноат” АЖ ва Жамғарманинг Жамғармани “Ўзавтосаноат” АЖнинг Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 13-уй (3-қават) манзилида жойлашган биносида безараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳри, Фуркат кўчаси, 171-уй манзилида жойлашган Хорижда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировкаси ва ўқитишни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармасининг бўшаётган бино ва иншоотларини туташ ҳудудлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида безараз бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига лойиҳа-тадқиқот ишларини амалга ошириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек, берилаётган бино ва иншоотларни капитал таъмир-

лаш ва реконструкция қилишни амалга ошириш учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш бюджетдан ташқари жамғармасининг маблағларидан фойдаланишга рухсат берилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги Жамғармага: ватандошлар ва хорижий мутахассислар билан алоқаларни йўлга қўйишда;

стипендиатлар хорижий мамлакатларга виза олиши, консуллик ҳисобига қўйилишида, нотариал ва бошқа хизматлар кўрсатилишида, борган давлатида стипендиатларнинг ўқиши, малака ошириши ва стажировка ўташини мониторинг қилишда;

чет элдан ишга таклиф этилаётган хорижий мутахассисларнинг виза олишида;

хориждаги ватандошларнинг ташкилотлари, хорижий давлатларда фаолият юритаётган ўзбек маданий марказлари ва жамиятлари тўғрисидаги ахборотларни тўплашда, шунингдек, халқаро ташкилотлар, хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги белгиланган тартибда:

Жамғармани керакли алоқа, шу жумладан, ҳукумат алоқаси билан, унинг интернет жаҳон ахборот тармоғидан кенг поласали фойдаланишини таъминласин;

ватандошларнинг электрон реестри (маълумотлар базаси)ни яратиш ва юритиш, шунингдек, хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда видеоконференциялар, интернет-форумлар ва телеқўриқлар ўтказишда зарур техник ёрдам кўрсатсин.

16. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва “Дунё” ахборот агентлиги Жамғарма фаолияти доирасида амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

17. Жамғарма икки ҳафта мuddатда хориждаги ватандошлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда хорижий мутахассислар, шу жумладан, ватандошларимизни Ўзбекистон Республикасига жалб этиш тартибини ишлаб чиқсин ва Жамғарманинг Васийлик кенгашига қўриб чиқиш учун киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5121-сонли Фармони, унинг 3-банди олтинчи қабачисини ва 5-иловасини истисно этган ҳолда, ўз қучини йўқотган деб топилинсин.

19. Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомидинов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувоҳитов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2018 йил 25 сентябрь

Ўзбекистон — Ҳиндистон:

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО
АЛОҚАЛАР
КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиб, мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида икки давлат ўртасидаги муносабатлар янгича маъно-мазмун билан боинтилди. Ўтган даврда Ҳиндистон билан ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашда икки мамлакат парламенти муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбекистон парламенти делегацияларининг Ҳиндистонга, ушбу мамлакат парламенти вакилларининг юртимизга амалга оширган бир неча ташрифлари мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳиндистон Республикаси Бош вазир Нарендра Моди билан Ҳиндистонга 2015 ва 2016 йилдаги расмий ташрифлари мамлакатларимиз ўртасидаги қўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилди.

2018 йил 13-14 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида “Ҳиндистон — Марказий Осиё” мулоқотининг 5-мажлиси ўтказилиши икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Жорий йил август ойида бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 11-йиғилишида истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган қатор келишувларга эришилгани икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришда янги имкониятлар яратди.

Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлигининг конструктив руҳда ва изчил ривожланиб бораётгани қўп жиҳатдан икки халқ ўртасидаги дўстона, ўзаро ишончга асосланган муносабатларга ҳамда минг йиллик тарихий-маданий, маънавий ришталар билан мустаҳкам боғланганига далилдир.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон — Ҳиндистон алоқаларининг муҳим йўналишларидан бирини ташкил этади. Томонлар тенг ва ўзаро манфаатли шерикликини ҳаётга татбиқ этиш борасида бой таърибага эга.

Бугунги кунда мамлакатимизда Ҳиндистонлик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 145 та тadbirkорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 58 таси ушбу мамлакат капиталли асосида ташкил этилган.

Мамлакатларимиз таълим, туризм, соғлиқни сақлаш, кадрлар алмашинуви соҳаларидаги ҳамкорлик борасида ҳам ижобий таъриба тўплаган. Ҳиндистон техник-иқтисодий кўмаклашиш дастури доирасида қатор ўзбек мутахассислари ахборот технологиялари, сув ресурсларини бошқариш, банк иши, меҳмонхона бизнеси ва бошқа йўналишларда Ҳиндистоннинг нуфузли олий ўқув муассасаларида малака оширди.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистон Республикасига бўлажак давлат ташрифиди мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги bosқичга кўтаришда, айниқса, миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришга хизмат қилувчи инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган хорижий сармоялар кичик бизнесни кенгайтиришга, қишлоқ ҳўжалиги, енгил саноат, хизмат кўрсатиш, фармацевтика ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ойбек ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Халқаро ишлар ва парламентлараро
алоқалар қўмитаси аъзоси
ЎЗАДОН МАҲСУЛОТЛАРИГА БЎЛГАН
ТАЛАБ ҚОНДИРИЛМОҚДА

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот

марказида “Ўздонмахсулот”

акциядорлик компанияси матбуот

анжумани ўтказди. Унда мамлакат

аҳолисининг ун, қолипни нон ва

макарон маҳсулотларига бўлган

эҳтиёжини таъминлашдаги долзарб

масалалар муҳокама этилди.

“Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси давлат эҳтиёжлари учун дон ва уруғлик харид қилиш, уларни жойлаштириш ва сақлашни таъминлаш ишлари билан шуғулланиб келади. Компания, шунингдек, дон маҳсулотлари тармоғи корхоналарининг дон еттиштирувчи ҳўжаликлари билан ўзаро муносабатлар механизми — донни қабул қилиш, ҳисобга олиш масалаларини такомиллаштириш, дон сифатини назорат қилиш ва уни холисона баҳолаш тизимини яратишда ҳам маъсулдор.

Тадбирда мазкур жараён компания тизимидаги 44 корхона ва ушбу корхоналарнинг 25 филиали, ун ишлаб чиқарувчи тегирмон, нон, макарон ва омихта ем, ёрма цехларида амалга оширилаётгани тасвирланди. Тизимдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўтган йилга нисбатан таҳлил қилинганда, 2018 йилнинг мейс даврида 107,7 фоиз ўсishга эришилган.

Икки истемвол бозорига компания корхоналари томонидан жорий йилнинг саккиз ойи давомида 962,3 минг тонна ун, 601,3 минг тонна ем, 40 минг тонна нон ва 18,8 минг тонна макарон маҳсулотлари етказиб берилди.

Сўнгги беш йил “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси учун самарали бўлди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш ҳамда янги қувватларни ишга тушириш бўйича бир қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, замонавий тежамкор технология усуллари ўрнатилди.

Соҳада сифатли хизмат кўрсатиш билан бир қаторда халқимиз турмуш даражасини ахшиллаш, янги иш ўринлари яратиш эвазига аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўтган йилда жами 747 иш ўрни яратилди. Бандлигини таъминлаш дастурига асосан, жорий йилда жами 612 иш ўрни яратиш белгиланган. Январ-август ойларида тизимда 546 янги иш ўрни яратишга эришилди. Шунинг 473 таси касаначилик ва 73 таси янги корхоналар ҳисобига яратилган иш ўринларидир. Аҳамиятлиси, касаначилик иш ўринлари ногиронлиги бўлган ва меҳнатга лаёқатлилик даражаси чекланган хотин-қизларга 300 дан ортиқ тикув машинаси олиб бериш ҳисобига яратилди.

Моҳигул ҚОСИМОВА,
ЎЗА мухбири

“Ташаббус — 2018”

Пойтахтимизда бўлиб ўтаётган “Ташаббус” кўрик-танловининг туман босқичларида қарийб 200 дан ортиқ тadbirkор, юздан ортиқ хўнарамандлар қатнашди. Икки ҳафта давомида иштирокчилар ўзлари ишлаб чиқараётган турфа маҳсулотларни танлов ҳайъатига тақдим этишди.

ТУРФА МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

Айтиш жоизки, танловда кўпгина янги номлар кашф этилди. Шайхонтоҳурлик Камола Алиева эндигина иш бошлаган ёш тadbirkорлардан. У раҳбарлик қилаётган корхонада асосан спорт кийимлари ишлаб чиқарилади. Кичик цехда 15 киши ишлайди. Камола илк бор “Ташаббус” кўрик-танловига да иштирок этди. Бу иштирок унинг келгуси фаолиятида янги натижалар бўлишига туртки бўлса не ажаб.

“Ташаббус”нинг Учтепа тумани доирасида бўлиб ўтган кўрик-танловда янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирган оилавий корхоналар ҳам иштирок этди. Улардан бири 24 ёшли Феруза Абдурашидовадир.

Феруза ҳам ёш тadbirkорлардан бўлиб, асосан ширинликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Ҳозирча 8 киши иш билан таъминланган. У “Ташаббус” кўрик-танловига илк бор ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Ф.Абдурашидова танловда “Энг яхши ёш тadbirkор” номинацияси бўйича 2-ўринни олишга муваффақ бўлди.

— Бу мен учун катта рағбат, — дейди тadbirkор ҳаяжонини яширолмай, — келгусида фаолиятимни янада ривожлантиришчи-ман. Ёшлар Иттифоқи билан ҳамкорликда бир неча лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш ниятим бор.

“Vista electronics group” масъулияти чекланган жамияти Яшнобод туманида фаолият кўрсатувчи кенг қамровли корхона ҳисобланади. Корхонада 4 хил ҳажмдаги телевизорлар ишлаб чиқарилмоқда. Шу йилнинг охиригача музлатгич, микро-тўлиқлиш печ, чангютгич бўйича лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилади. “Ташаббус” кўрик-танловининг Яшнобод тумани босқичида бу корхона раҳбари “Йилнинг энг яхши ёш тadbirkори” номинациясида ғолиб деб топилиди.

Юнусовода бўлиб ўтган “Ташаббус” кўрик-танловига фойдали гиёҳлардан турли доридармонлар ишлаб чиқарувчи “Virgin active” МЧЖ иштирок этди. Корхона раҳбари ўринбосари Малика Жуманиёзованинг таъкидлашича, маҳсулотлар таблетка ҳамда капсула ҳолида Ўзбекистонда илк бор ишлаб чиқарилмоқда. Юз фоиз доривор ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотлар ошқозонга, вазнини камайтиришга, иммунитетни оширишга, юрак қон-томар касалликларини даволашга тасвир этилади. Танловда корхона саноат соҳасида “Йилнинг энг яхши тadbirkори” номинациясида 1-ўринни олишга сазовор бўлиб, Тошкент шаҳар босқичига йўлланма олди.

Ташаббусда музқаймоқ, сут маҳсулотлари, тайёр кийимлар, қуришчи, пойабзал, электротехника, маиший буюмларни кўриш мумкин. Энг асосийси бу маҳсулотларни ўзимизнинг маҳаллий тadbirkорлар ишлаб чиқараётганини қувонарлидир.

Шунингдек, бу йилги “Ташаббус” кўрик-танловига хизмат кўрсатиш соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги пайтда пойтахтимизда тиббий хизмат кўрсатиш тобора ривожланмоқда. Бундан ташқари сартарошлик, ғўзаллик салонлари кўпаймоқда.

Бектемирлик Шахло Шаропова “Имкон нур” МЧЖ раҳбари. Мақсади қизларни, аёлларни ғўзал бўлиб юришини хошлайди. Яқка тартибдаги тadbirkорликдан МЧЖ очилгача муваффақ бўлди. Айни пайтда 15 га яқин кишини иш билан таъминлади. “Ташаббус”да илк бор иштирок этиб, хизмат кўрсатиш

номинациясида ғолиблар сафидан ўрин олди.

— “Ташаббус” да хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича илк бор иштирок этди, — дейди “Imronbek universal stil” ОК раҳбари Раъно Файзиева, — асосан миллий матолардан кийимлар тикамиз ҳамда аёлларнинг ғўзал бўлишга хизмат қиламиз. Шуни қувонч билан айта оламкин, кейинги йиллари миллий либосларимизни чет эл кўргазмаларида ҳам намойиш этишга муваффақ бўлдик.

Яшнобод тумани бўйича бўлиб ўтган “Ташаббус” кўрик-танловига “Imronbek universal stil” оилавий корхонаси хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича фахрли 1-ўринни олишга сазовор бўлди.

“Ташаббус”да қўллаб хўнарамандлар ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Уларнинг қўллари танловда илк бор иштирок этди. Сўрайё Рашидова миллий матодан келин-чақлар учун сарполар тайёрлайди. Жаҳонир Хайдаров ҳам ёш хўнарамандлардан. Бувини Фарида Хайдарова унга кўмак беради. Миллий кийимлар буюртмага тикилади.

Бектемирлик Дилноза Юсупова миллий либослар дизайнери. 2011 йилдан бери фаолият юритади. 10 нафар ишчиси бор. Чет эл кўргазмаларида маҳсулотларини намойиш этган.

Хўнараманд Нилуфар Музаффарова “Ташаббус” кўрик-танловига илк бор иштирок



номинациясида ғолиблар сафидан ўрин олди.

— “Ташаббус” да хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича илк бор иштирок этди, — дейди “Imronbek universal stil” ОК раҳбари Раъно Файзиева, — асосан миллий матолардан кийимлар тикамиз ҳамда аёлларнинг ғўзал бўлишга хизмат қиламиз. Шуни қувонч билан айта оламкин, кейинги йиллари миллий либосларимизни чет эл кўргазмаларида ҳам намойиш этишга муваффақ бўлдик.

Яшнобод тумани бўйича бўлиб ўтган “Ташаббус” кўрик-танловига “Imronbek universal stil” оилавий корхонаси хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича фахрли 1-ўринни олишга сазовор бўлди.

ИЖОДИЙ ТАНЛОВЛАРНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар пресс-клубида “Ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатадиган қисқа метражли фильмлар ва видеороликлар”, “Изҳор” миллий руҳдаги шеър ва ҳикоялар, “Ёш қўшиқ ижрочилари” республика танловлари ғолибларини тантанали тақдирлаш ҳамда “Ёшлар кутубхонаси” лойиҳасининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раисининг ўринбосари Д.Каттахонова ва бошқалар юртимизда ёшларнинг ижодий салоҳиятини кашф этишга оид кўплаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётганини таъкидлади.

“Ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатадиган қисқа метражли фильмлар ва видеороликлар” танловига 30 ёшгача бўлган 130 нафардан ортиқ профессионал ва ҳаваскор ёшлар ижтимоий ролик, қисқа метражли фильм ва адабий-бадий сценарийларни тақдим этди. Танлов доирасида қабул қилинган роликларда ажодларга эҳтиром, миллий қадриятлар, “Замонамиз қаҳрамони”, “Бу – менинг Ўзбекистоним!”, “Ёшлар – келажгимиз” ғоялари акс этди. Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, 8 нафар профессионал ва ҳаваскор ижодкор ғолиб, деб топилди.

Мустиқиллигимизнинг 27 йиллиги муносабати билан ўтказилган “Изҳор” миллий руҳдаги шеърлар ва ҳикоялар танловига ёшларни муваффақиятлар сари ундовчи, миллий гуруҳ ва келажакка ишонч руҳини уйғотувчи, миллий қадриятлар, Ватанга муҳаббатни акс эттирган ижодий ишлар қабул қилинди. Унда 10 нафар иштирокчи ғолиб, деб топилди.

“Ёш қўшиқ ижрочилари” фестивали 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида мумтоз, эстрада, академик

ижро, бахшичилик йўналишларида ўтказилди. Бу танловнинг мутлоқ ғолиблари Президент совғаси – пул мукофоти билан тақдирланди.

“Ёшлар кутубхонаси” лойиҳаси доирасида ҳар бир китоб камиди 10 минг нусхада чоп этилиб, республикадаги барча мактаб, коллеж, академик лицей ва олий таълим муассасалари кутубхоналарига бепул тарқатилиши белгиланган. Шу билан бирга, 2018-2019 йилларда чоп этиладиган 200 номдаги китоблар рўйхати Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари тавсияси асосида шакллантирилди. 2018-2019 йилларга мўлжалланган нашр режаси 200 номдаги бадий китоб бўлиб, жумладан, жаҳон адабиётига оид 65 нафар, ўзбек адабиётига доир 135 нафар асарлар чоп этилиши маълум қилинди.

Айни дамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи 27 номдаги адабиётларни нашр эттирди. 10 номдаги жаҳон ва ўзбек адабиётининг нодир асарлари нашрга тайёрланди. 2018 йил охирига қадар ҳар бир таълим муассасаси кутубхонасига 100 номдаги бадий китоблар етказиб берилиши режалаштирилган.

Тадбирда “Ёш кутубхона” танловининг экспертлар гуруҳи аъзолари ҳам рағбатлантирилди.

(ЎЗА)

“МЕҲРНИНГ ВАТАНИ ЎЗБЕКИСТОНДИР”

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий академияси, Бадий ижодкорлар уюшмаси ҳамда Мурувват ва Саҳоват интернат уйлариининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш Республика Васийлик кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган анъанавий ҳайрия тадбири доирасидаги кўрик-танлов шундай номланди.

Мустиқиллигимизнинг 27 йиллигига бағишланган кўрик-танловда таниқли рассомлар, академиклар, маънавият тарғиботчилари, профессор-ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар, кенг жамоатчилик ҳамда журналистлар иштирок этди.

Унда ижодкорларнинг 200 га яқин ижодий картиналари намойиш этилди. Ушбу ижодий ишлар ҳайрат аъзолари томонидан ўрганиб чиқилди ва турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

Ҳайрат қарорига кўра, профессионал рассомлар ўртасида Ўзбекистон Бадий академияси академиги, рангтаъсирчи рассом Файзулла Аҳмадалиев “Она” ва “Ота” асарлари учун биринчи даражани, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтаъсирчи рассом Патхилла Ҳайитов “Ой бориб, омон қайт” асари учун иккинчи даражани, Ўзбекис-

тон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош Камола Аҳмедова “Аёл. Кутиш” асари учун учинчи даражани диплом билан тақдирлади.

Талабалар ўртасида Камолитдин Бехзод номдаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари Аваз Насриддиновга “Остона” асари учун биринчи даражани, Мухиддин Турдиевга “Асрлар садоси” асари учун иккинчи даражани ҳамда Ҳумоюн Норбоевга “Меҳр” асари учун учинчи даражани диплом берилди.

Фарғоналик ёш рассом Шухрат Ўринбоев “Меҳр” асари учун Гран-при соҳиби бўлди.

Шунингдек, кўрик-танловнинг бошқа иштирокчиларига ҳам махсус дипломлар топширилди.

Гулноза БОБОЕВА,
ЎЗА мухбири

ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ САРИ

Жиноят қонуни ҳам ижтимоий ҳаётда, ҳам ҳуқуқ соҳасида муҳит ўзгариши мумкинлигини назарда тутди ва бу жиноий жавобгарликка тортиш ва жазони қўллашга таъсир ўтказмай қолмади. Жиноят кодексининг 65-моддасига кўра жиноят содир этган шахсни жавобгарликдан озод этишнинг умумий асоси деб муҳит ўзгариши туфайли қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 65-моддаси 1-қисми “ишни тергов қилиш ёки судда қўриш вақтида шароит ўзгариши туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган” деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлигини назарда тутди.

Шароитнинг ўзгариши жиддий бўлиб, муайян битта қилмишни эмас, балки шу турдаги барча қилмишларнинг ижтимоий хавфлилиги йўқолишига олиб келиши керак. Масалан, мамлакатда ёки айрим ҳудудларда фавқулодда вазият бекор қилингандан кейин фавқулодда ҳолат вазиятида жиноий иш деб топилган барча қилмишлар ижтимоий хавфлилигини йўқотди.

Шароитнинг ўзгариши дегадда қилмишига жиноийлик ҳусусиятини берувчи жой ва вақтга тегишли бўлган махсус шартларнинг ўзгариши ҳам тушунилади. Масалан, таққиланган жойда қонунга хилоф равишда балиқ овлас, ов қилиш ижтимоий жиноят ҳисобланиб, ЖК 202-моддаси бўйича жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Бирок, балиқ миқдорининг кўпайиб кетиши ёки емиш танқислиги шароитида муайян жониворларнинг қирилиб кетиши ҳавфи пайдо бўлиши туфайли

бундай жойларда балиқ тутиш ва ов қилиш расмий равишда рухсат этилган бўлса, ушбу рухсатдан сўнг жиноят қонунда жазо енгиллаштирилган ёки умуман бекор қилинган бўлса, у ҳолда айбдор ЖК 65-моддасига биноан шароит ўзгариши оқибатида эмас, балки ЖК 13-моддаси 2-қисмига кўра, яъни қонуннинг орқага қайтиш кучи қондасига мувофиқ, жиноий жавобгарликдан озод этилишини унутмаслик керак.

Мисол учун яқинда қўрилган жиноят иши бунга мисол бўла олади. Дастлабки тергов органлари томонидан аниқланишича, М.Абдутоҳиров (исм-шарифлар ўзгартирилган) пойтахтимиздаги масъулият чекланган жамиятда директор лавозимида ишлаб келиб, 2017 йил 11 апрель куни “Komunal servis” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан қўрилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳақидаги тузилган шартномага кўра, жамият томонидан Миробод тумани, Нукус кўчаси, 79-уйда қўрилиш-таъмирлаш ишларини ўтказиб, “Ба-жарилган ишлар далолатномаси”га ва ҳисоб варақасига аслида 28 млн. сўм ҳажмда бажарилмаган ишларни киритиб, расмий ҳужжатларни қалбақлаштириб, уларни ХУЖМШ га тўлов учун асос сифатида топширган.

Мамлакатимизда оилалар мустақамлигини таъминлаш, турли оилавий келишмовчиликларнинг олдини олиш масалалари доимий эътиборда.

АЖРИМЛАР БАРҲАМ ТОПМОҚДА

Бу жараёнда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази каби ташкилотлар фаол иштирок этмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, ўсиб келаётган авлод тарбиясида маҳаллаларнинг ролини кучайтириш юзасидан тизимли ишлар олиб боришмоқда. Бунда, аynиқса, маҳаллалар қошидаги яраштириш комиссияларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мубайнида мазкур комиссиялар томонидан 64 минг 214 та муурожаат қўриб чиқилиб, салкам 40 минг ҳолатда қайнона-келини, келин ва оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги келишмовчиликларга барҳам берилган. Қарийб 7 минг ҳолатда қариндошлар муроасага келтирилган. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан оилаларда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш мақсадида кўплаб муҳокамалар ўтказилди. Натихада, 11 минг 209 оиланинг низолалиги барҳам берилди. 4414 оила ажримдан саклаб қолинди.

Ажрим кўрсаткичлари ошган маҳаллаларда “Биз оилавий ажримларга қаршимиз!” мавзусида ўтказилган оилавий муносабатларни мустақамлаш ойлги доирасида фуқаролар йиғини кенгаши аъзоларининг оилалар билан ишлашдаги малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Айни пайтда эр-хотин, ота-она ва фар-

иш материалларига кўра, М.Абдутоҳиров мукаддам судланмаган, оилали, қарамогиди икки нафар вояга етмаган фарзанди бор, оиласининг ягона боқувчиси ҳисобланади. Аниқланган зарар суммаси ихтиёрий тўлиқ қопланган. Жабрланган тарафдан унга нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъво йўқлиги, ақсинча уни жавобгарликка тортмаслигини сўралганлиги, шунингдек, содир этилган қилмиш унга оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киришини инобатга олиб, ушбу ҳолатлар қилмишининг ижтимоий хавфлилиги даражасини йўқотган деб топиш учун етарли асос бўлади, деб ҳисоблаб, суд судланувчига нисбатан ЖКнинг 65-моддасини қўллаб, жиноий жавобгарликдан озод қилишни лозим топди.

Жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганига оид шароитларнинг ўзгариши тор маънода тушунилади: шахснинг жиноятни содир этган ва ундан кейинги вақтдаги ҳаёти ва фаолияти шарт-шароитларга боғлиқ.

Кўпинча амалиётда шунга ўхшаш шароитнинг ўзгаришига жиноят содир этган шахснинг ҳарбий хизматга қақирлуви, унинг ишга ёки ўқишга кириши, жиноят содир этганлиги, оилавий муносабатларнинг яқши-ланиши ёки айбдорнинг оғир касаллиги туфайли мансабдан кетиши сабаб бўлади.

Жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги ҳақида нафақат унинг ҳаётининг объектив шароитлари, балки унинг содир этилган жиноятдан кейинги ҳуқуқ ҳамда унинг намунали ҳуқуқ, касбий ва ижтимоий мажбуриятларига муносабати ва ҳаёт унинг ахлоқи назарга олинади.

Шунингдек, жиноят кодексининг бошқа моддаларида қандай ҳолларда жавобгарликдан озод этишнинг ҳуқуқий асослари батафсил тушунтириб берилган.

Бобур ИНОҒОМОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Миробод тумани суди судьяси

ЮРТИМИЗНИНГ БАРКАМОЛ ВОРИСЛАРИ

Мамлакатимизда ёшларимиз билимли, ҳунарли, жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб камол топиши йўлида барча шароитлар яратилмоқда.

“Баркамол авлод” Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази томонидан ўқувчиларнинг қизиқишига кўра замонавий тўғараклар фаолиятини йўлга қўйиш орқали уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида “Сезам” кўнғилочар майдончасида тўғараклар ярмаркаси ташкил этилди.

Унда “Баркамол авлод” Республика болалар ўлкашунослик ва экология марказининг “Витрак”, “Тўқиш”, “Тасвирий санъат” ва “Либлислар дизайни” тўғараклари аъзолари томонидан маҳорат дарслари ҳам ташкил этилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, “Баркамол авлод” Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази ўлкашунослик ва сайёҳлик, табиатушнослик, экология ва селоматлик узлуксиз таълим йўналишларида қўшимча таълим бериш жараёнини амалга ошириб келмоқда. Марказда 23 номдаги 50 та тўғарак фаолият юритиб, ҳозирги кунда жами 500 нафардан ортиқ ўқувчи-ёш ушбу тўғараклар аъзолари ҳисобланади.

Ярмарка доирасида китоблар ҳамда тўғарак аъзоларининг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди. Ота-оналар ҳамда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган китобларни харид қилиш ва қизиққан тўғаракларига аъзо бўлиш имконига эга бўлишди.

Тадбир давомида Ўзбекистон “Ветеран” жангчи-фаҳрий ва ногиронлар жамияти ҳузурдаги “Ватанпарвар фидойилар” ансамбли хонандаларининг чиқишлари ярмарка иштирокчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Гўзал ВАХОБОВА,
Ўзбекистон Миллий
университети талабаси

ЭСТЕТИК ТИББИЁТНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Инсоннинг ташқи кўринишини узоқ йиллар мобайнида соғлом ва кўркам сақлаш ҳамиша долзарб бўлиб келган. Пойтахтимизда Пластик жарроҳлик, косметология ва геронтология бўйича иккинчи халқаро конгресс шу масалаларга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу йирик тадбир олдинда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда соғлиқни сақлаш соҳаси, тиббиётга оид фундаментал фанлар изчил ривожланиб бормоқда.

Кескаликка қарши курашиш учун одамлар анча-мунча маблаг сарфлаши сир эмас. Мутахассисларнинг фикрича, анти-қариш табобати инсон умри давомиёлигини ошириш ва яшовчанлигини оширувчи илмий-амалий йўналиш саналади.

Тошкентда 27-28 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган Пластик жарроҳлик, косметология ва геронтология бўйича иккинчи халқаро конгресс ўзининг долзарблилиги, иштирокчилари доирасининг кенглиги, дастурининг назария ва амалиёт уйғунлигига асослангани билан аҳамиятлидир.

Ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент врачлар мажлисини ошириш институти, “Estimated Vivage” дистрибуторлик компанияси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

(ЎЗА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани “Ягона дарча” маркази томонидан 8.01.2018 йилда № 562916 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган “NEW LIFE PHARM” МЧЖ (СТИР 30521798) таъсисчиларнинг 20.09.2018 йилдаги № 01-09-сонли баённомасига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 41-уй манзилида қабул қилинади. Тел: +99894 605-36-16.

Тошкент телекоммуникация технологиялари коллежи томонидан 2001 йилда Юнусова Наима Шахитдиновна номига берилган № 0003744 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент телекоммуникация технологиялари коллежи томонидан 2006 йилда Зухрофара Маъмура Темуровна номига берилган К № 53221 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Ободонлаштириш бошқармаси қуйидаги бўш иш ўринларига фуқароларни ишга таклиф қилади.

1. Фаррош — 20 та бўш ўринга — ойлик маоши — 650-700 минг сўм.
 2. Қўламазорлаштириш ишчиси — 30 та бўш иш ўринга, ойлик маоши — 700-750 минг сўм.
 3. Сув тармоқлари ишчиси — 5 та бўш иш ўринга, ойлик маоши — 750-850 минг сўм.
- Манзил: А.Темур шох кўчаси, 117 а-уй. Мўлжал: Шахристон метро бекати, “Муза” маркази
Тел: (71) 212-45-59.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Унда журналистларга халқаро анжумандан кўзланган мақсад ва унинг мазмун-моҳияти, конференция яқини бўйича қабул қилиниши кўзда тутилган тавсиялар тўғрисида маълумот тақдим этилди. Мазкур халқаро конференцияга тайёргарлик ишлари билан иштирокчилар атрофида таништирилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқаруви раиси Ш.Жавлонов, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова, Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари М.Нурматова юртимизда оилалар манфаатларини таъминлаш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

Кайд этилдики, конференция давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 11 октябрь куни Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган МДХ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида оила институти ва анъанавий оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида сўз юритиб, Ўзбекистонда 2018 йилда “Оилани мустақамлаш ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиялашда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли” мавзусида халқаро конференция ўтказиш ҳақида

блдирилган таклифлари асосида ташкил этилмоқда.

Анжуман мақсади — халқаро ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлилий доираларни оилани мустақамлаш ҳамда ёшлар тарбияси борасида Ўзбекистон таърибаси билан яқиндан таништириш, соҳанинг долзарб масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг самарали, таъсирчан йўналишларини излаш ҳамда бу борада халқаро ва чет эл ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари билан аниқ истиқболли ҳамкорлик йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

Конференция ишида 20 дан ортиқ мамлакатдан олимлар, етакчи хорижий экспертлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этиши кўтилмоқда.

Мамлакатимизда амалда бўлган халқчил ижтимоий сиёсат, оилалар муаммоларини барвақт аниқлаш ва ҳал этиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид ҳуқуқий ва ташкилий-амалий чора-тадбирлар билан хорижий меҳмонлар яқиндан таништирилади.

Матбуот анжумани низоида журналистлар саволларига ташкилий қўмита аъзолари томонидан атрофида жавоб қайтарилди.



2018 йилги мусобақалар тақвимида ўрин олган энг нуфузли спорт анжумани – Индонезияда ўтказилган XVIII ёзи Осиё ўйинларида атлетларимиз мисли кўрилмаган ютуқларга эришдики, энди йилнинг қолган қисмида спортчиларимиз қандай натижа қайд этишларидан қатъи назар, мавсумни ижобий баҳолашга ҳақлимиз. Қувонарлиси, спортчиларимиз шу тариқа истиқлолимизнинг 27 йиллик тўйига муносиб совға ҳозирлашди. Бунгача Ўзбекистон спорт делегацияси Осиё ўйинларида олти маротаба иштирок этган бўлса-да, ҳеч қачон бу қадар ёрқин галабаларни кўлга киритмаган.

Савол туғилади: бу муваффақиятларимиз омили нимада?

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти, Ўзбекистон футбол ассоциацияси биринчи вице-президенти Умид АХМАДЖОНОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

– Умид Маҳаматжонович, яқинда Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтказилган XVIII ёзи Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар ҳам сон, ҳам сифат борасидаги кўрсаткичларини яхшилади. Айтинг-чи, бу муваффақиятларнинг сирини нимада? Эйтиб бериш, моддий манфаатдорлики ёки биз билмаган бошқа омиллар борми?

– Албатта, давлатимиз томонидан кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликсиз бундай натижаларга эриша оламасдик. Хабарингиз бор, мамлакатимизда спорт тарақиётини, унинг ривожланиши шахсан Президентимиз назоратида туради. Кейинги икки йил ичида соҳани янада ривожлантириш, халқаро майдондаги галабалар саломини ошириш, спортда бошқарув тизимини такомиллаштириш борасида давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган фармон ва қарорлар спорт ахли учун улкан имкониятлар эшигини очиб берди.

Жумладан, Президентнинг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, Самарқанд туманида универсал олимпия тайёргарлиги ва халқаро мусобақалар ўтказиш маркази, Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган “Азия-Чимган” меҳмонхонаси негизига миллий тайёргарлиги маркази, Жиззах вилояти Зомин туманида “Алоқачи” соғломлаштириш оромгоҳи негизига гимнастика спорт тури бўйича олимпия тайёргарлиги маркази, Наманган вилояти Чортоқ туманида серхланг тайёрлаш мактаби негизига спорт ўйинлари бўйича олимпия тайёргарлиги маркази, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида “Гулнора” соғломлаштириш оромгоҳи негизига яккакураш спорт тури бўйича олимпия тайёргарлиги маркази Миллий олимпия қўмитаси ихтиёрига ўтказилди.

Биз ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида тайёргарлик босқичига жиддий эътибор қаратдик. Барча спорт турлари бўйича тарма жамоаларимиз сўнгги уч-тўрт ой ичида узлуксиз ўқув-машғулот йилларида иштирок этди. Орада эса халқаро мусобақаларда тобланиб боришди. Бу қилинган меҳнатлар эса Индонезиядаги Осиё ўйинларида ўз самарасини берди.

– Индонезияда ташкил этилган Осиё ўйинлари яна шуни билан Ўзбекистон

спорт тарихига муҳрландики, унда илк бор миллий фахримиз бўлган кураш расми мусобақа дастуридан жой олди. Бевоқиф жараёنлари кузатган мутахассис сифатида курашнинг истиқболли қандай кўрясиз?

– Аввало шуни таъкидлашнинг истардимки, миллий спортимизнинг Осиё ўйинлари дастуридан ўрин эгаллаши бутун Ўзбек спортининг улкан ютуғи бўлди. Йилгирма йил деганда кураш ниҳоят, Осиё ўйинлари дастурига кирди. Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизнинг ажралмас қисми бўлган кураш қўмитамизнинг энг нуфузли мусобақасида катта қизиқиш ва ҳаёжон билан қарши олинди. Бу эса ҳар бир ватандошимиз қалбига фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиши шубҳасиз. Бевоқиф мусобақага ке-

– Тўғри таъкидлаб ўтдингиз, қанчалар ачинарли бўлмасин вақт барибир ўз сўзини айтади. Сиз санаб ўтган спортчиларнинг ҳар бири Ўзбек спорт тарихида ўлмас из қолдирган. Уларни ҳар бир юртдошимиз қадрлайди. Индонезияда биз тажриба ва ёшлик шижоатини уйғунлаштиришга ҳаракат қилдик ва буни ундай олдлик, деб ўйлайман. Вадим Меньков ҳақиқий профессионалларга хос тарзда ҳаракат қилди ва яқинда олтин медални кўлга киритиб, Осиё ўйинларининг тўрт қарра голибчилигига сазовор бўлган биринчи Ўзбек спортчиси айланди. Оксана Чусовитанинг тажриба ва иродаси олдига бош эгмай иложимиз йўқ. 43 ёшида ҳамон юксак спорт формасини сақлаб туриш, 16-17 ёшли рақиблар билан беллашиб, яна совринли ўринларга эга чиқиш ҳар

МАҚСАДИМИЗ – ТОКИО ОЛИМПИАДАСИДА МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШ

ладиган бўлсак унда Ўзбек ўғил-қизлари яққол устуликка эга бўлди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди аслида.

7 та вазн тоифасида ўтказилган беллашуларнинг олтиасида олтин медаллар Ўзбекистонлик полковларга насиб этди. Осиё ўйинлари давомида курашнинг оммавийлиги, ушбу спорт турига бўлган қизиқишнинг ҳисобга олиб, Осиё Олимпия кенгаши раҳбарлари навбатдаги мусобақаларда кураш бўйича беллашулар вазн тоифаларини еттидан 10 ёки 12 тагача кўтариш таклифини билдиришди. Демак, 2022 йилги Осиё ўйинларида кураш бўйича мусобақалар бундан-да кўпроқ вазн тоифаларида ўтказилади. Умид қиламизки, келажакда курашнинг Олимпия ўйинлари дастурида қўриш ҳам насиб этди.

– Одатда Осиё ўйинлари яна икки йилдан кейин ўтказиладиган навбатдаги ёзи Олимпия ўйинларида тайёргарлик вазифасини ўтаб беради. Индонезияда ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон спорт делегацияси таркибига Антон Фокс, Вадим Меньков, Оксана Чусовитани сингари фахрий спортчиларимиз ҳам иштирок этишди ва тарма жамоамиз ҳисобига ўз медалларини қўшиб қўйишди. Аммо уларнинг яна икки йилдан кейин Токио Олимпиадасига бориш имконияти қай даражада ва заҳира тайёрлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Тўғри таъкидлаб ўтдингиз, қанчалар ачинарли бўлмасин вақт барибир ўз сўзини айтади. Сиз санаб ўтган спортчиларнинг ҳар бири Ўзбек спорт тарихида ўлмас из қолдирган. Уларни ҳар бир юртдошимиз қадрлайди. Индонезияда биз тажриба ва ёшлик шижоатини уйғунлаштиришга ҳаракат қилдик ва буни ундай олдлик, деб ўйлайман. Вадим Меньков ҳақиқий профессионалларга хос тарзда ҳаракат қилди ва яқинда олтин медални кўлга киритиб, Осиё ўйинларининг тўрт қарра голибчилигига сазовор бўлган биринчи Ўзбек спортчиси айланди. Оксана Чусовитанинг тажриба ва иродаси олдига бош эгмай иложимиз йўқ. 43 ёшида ҳамон юксак спорт формасини сақлаб туриш, 16-17 ёшли рақиблар билан беллашиб, яна совринли ўринларга эга чиқиш ҳар

– Осиё ўйинларида қайси спорт турларида эришган ютуқларимиздан кўнглингиз тўлди, ва, аксинча, қайси спорт тур-

ларидан қўтилган натижага эришилмади?

– Биласизми, биз Осиё ўйинларида бундан-да кўпроқ медалларни, натижаларни янада яхшилашни мақсад қилиб қўйгандик. Тўғри, Индонезияда Осиё ўйинлари тарихидаги энг яхши натижага эришдик, медаллар сифати ва сони бўйича ҳам рекордларни янгиладик. Аммо шунга қарамай баъзи спорт турларида тарма жамоамиз аъзолари қўтилган натижаларни кўрсата олишмади. Масалан жиу-житсу, пенчак силат, ўқ отиш, сув спорт турлари, қиличбозлик, триатлон каби спорт турларидан ҳам медаллар қўтилди. Қувонарлиси шундаки, ушбу кенг жойларни олимпия спорт турларида вакилларимиз кўплаб медалларга эга чиқиб тўлдириб беришди. Бокс, спорт курашлари, тэквондо WTF, байдарка ва каноэда эшакка эшиш, оғир атлетика, енгил атлетика, академик эшакка эшиш, теннис, каратэ, дзюдо, бадмин ва спорт гимнастикаси каби спорт турлари ана шулар жумласидандир. Албатта, улар қаторида миллий спортимиз кураш алоҳида эътирофга сазовор бўлди. Полковларимиз Осиё ўйинларида 6 та олтин, 2 та кумуш ва 4 та бронза, жами 12 та медал билан умумий муваффақиятимизга катта ҳисса қўйишди. Шунингдек, мусобақада самбочиларимиз ҳам барчамизни хурсанд қилди.

– Мамлакат футболига жавобгар шахслардан бири сифатида Осиё ўйинларида тарма жамоамизнинг иштирокига қандай баҳо берамиз? Равшан Хайдаров шоғирларига муҳлисларимиз узок вақтдан бери орзиқиб кутган олтин медални кўлга киритишлари учун нима этишмади?

– Жанубий Кореяга қарши кенган чорак финал учрашувини кўнглик телевизор орқали кўрган бўлса керак. Биз ўйинни бевоқиф стадионда кузатдик. Мусобақанинг амалдаги чемпиони билан футболчиларимиз тенгма-тенг кураш олиб борди. Биз икки марта ҳисобда орта қўлаётиб, мувозанатни тиклашга эришдик, ҳаттоки ҳисобда олдинга ҳам чиқиб олдик. Аммо қўтилмаганда йўл қўйилган ҳоллар бизга қимматга тушди. Очиги ўша кун футболчиларимиз майдонда борларини беришди. Қўли рақиб қаршида уларнинг йўқлиги қўйишмади ва галаба учун кураш олиб боришди. Футболда галаба ва мағлубият доимо ёнма-ён юради. Афсуски шу кун омад қоралик футболчилар томонидан бўлди. Турни, омад қўчилирга қўли божда дейишнинг мумкин, аммо биз ҳеч бир жабҳада рақибдан қўчмасдик. Буни барча кўрди.

– Олдинда мамлакатимиз атлетларини Аргентинада ўтказиладиган ўсмирлар ўртасидаги III ёзи Олимпия ўйинлари кўтиб турибди. Мазкур мусобақага тайёргарлик қай даражада кетмоқда ва унда спортчиларимиз имкониятларини қандай баҳолайсиз?

– III ёзи ўсмирлар Олимпия ўйинлари тайёргарлик авж палласида. Бу мусобақа биз учун гоятда муҳим, чунки Аргентинада бизнинг энг яхши заҳирамиз иштирок этади. Қувонарлиси, ёш спортчиларимиз бу борада ҳам янги рекорд ўрнатди. Яъни 2010 йили Сингапурда бўлиб ўтган I ўсмирлар Олимпия ўйинларида 21 нафар ҳамюртимиз иштирок этган бўлса, 2014 йилда Нанкин-да 28 нафар ўзбекистонлик спортчи голиблик учун кураш олиб борган. Аргентинада 36 нафар ёшларимиз лицензияни кўлга киритишган эди. 17 сентябрь кўни Халқаро хаваскор боксчилар ассоциацияси (AIBA) дан хушxabар келди. Гап шундаки, қизлар ўртасида бокс бўйича 51 килограмм вазн тоифасида Хурсаной Холматова ҳам Буэнос-Айрес Олимпиадасига лицензия олибди. Демак III ўсмирлар Олимпия ўйинларида Ўзбекистон делегацияси 37 нафар спортчи билан иштирок этади.

Буэнос-Айресда медаллар сони ва сифати бўйича ҳам натижаларни яхшилаш ниятидамыз. Аргентина ареналарида ўзини ҳар томонлама кўрсатадиган спортчиларимиз насиб қилса яна икки йилдан сўнг – Токио – 2020 Олимпия ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш имконига эга бўлади. Тўрт йиллик циклда биз олиб бораётган ишларнинг барчаси қўнжиклар юрда ташкил этиладиган XXXII ёзи Олимпия ўйинларида муносиб иштирок этиш, натижаларни янада яхшилаш, Ўзбекистонимизнинг бутун дунёда машҳур қилиш, олтин ва кумуш медаллар билан биз учун дуода бўлиб турган халқимиз ва Президентимиз ишончини оқшашга қаратилган.

Отабек ЭШМАМАНОВ
сухбатлашди
У.А.

фарзандлари жалб этилади. Албатта бу вазифалар Мактабга таълим вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширилади.

ТОШКЕНТ — МАРКАЗИЙ ОСИЁ ГУРУҲИ ЎЙИНЛАРИ МЕЗБОНИ

Келгуси йили Таиланд футбол бўйича 23 ёшгача бўлган чарм тўп усталари ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионати саралаш турнирига мезбонлик қилади.

Маълумки, 23 ёшгача футболчилар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати 2020 йилда ўтказилади. Олимпия тарма жамоалари Токио шаҳрида уюштирилаётган Олимпияда ўйинлари йўлланма берувчи Осиё чемпионатида иштирок этиш учун қўтё биринчилигига саралаш баҳсларида 4 та минтақада голиблик учун кураш олиб боришади. 2020 йилда ўтказиладиган Осиё чемпионати саралаш баҳслари кураш йўлларига кўра, келгуси йилнинг 18-26 март кунлари Таиландда ташкиллаштириладиган бўлади. Саралаш турнирининг Марказий Осиё гуруҳи ўйинларига эса пойтахтимиз Тошкент мезбонлик қилади. Айтиш лозимки, Осиё чемпионатида қўли улликка кирган олимпия тарма жамоалари Япониянинг Токио шаҳрида 2020 йилда уюштирилаётган ёзи Олимпиада ўйинлари йўлланмасини кўлга киритишади. УФА томонидан Ўзбекистон олимпия тарма жамоасига Токиода ўтказиладиган ёзи Олимпиада ўйинлари йўлланмасига эга бўлиш вазифаси қўйилган. Чунки Ўзбекистон ёшлар тарма жамоаси 23 ёшгача бўлган чарм тўп усталари ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатининг амалдаги голиб ҳисобланади.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР НОМИ МАЪЛУМ БҮЛДИ

Футбол бўйича уюштирилган Ўзбекистон кубогининг чорак финал баҳслари муҳлисларга ҳаяжонли лаҳзаларни, қўтилмаган натижаларни тақдим этди.

Маълумки, янги қоидага кўра, Ўзбекистон кубоги чорак финал ўйинлари фақат битта учрашувдан иборат қилиб белгиланган. Шу боисми, ўтказилган 4 та учрашув кескин курашларга бой, шиддатли, қизиқарли кечди. Эътиборлиси, мамлакатимизнинг етакчи жамоалари “Пахтакор” ҳамда амалдаги чемпион “Локомотив” ўртасидаги чорак финал беллашуви қўтилмаган натижа билан яқунланди. 90 дақиқа давом этган мurosасиз баҳс 4:0 ҳисобида пахтакорчиларнинг галабаси билан тугади. Чемпион дарвозасини Е.Кримец, Т.Беззerra (2 та), И.Сергеев аниқ нишонга олишди ва темирйўлчиларни кубок баҳсларини тарқ этишларига сабабчи бўлишди.

Шунингдек, пойтахтимизнинг яна бир жамоаси “Бунёдкор” сафарда Про-лига вакили “Андижон” билан куч синашди. Асосан, ҳамшаҳарларимизнинг устуликларида кечган ўйинда дарвозаларга унча гол киритилди. Учрашув “Бунёдкор”нинг 2:1 ҳисобидаги галабаси билан яқунланди. Голларга “Андижон”дан — Д.Исоқов, “Бунёдкор”дан — М.Қосимов, Ш.Нурматов муаллифлиги қилишди. Шунингдек, Ўзбекистон кубоги чорак финалининг қолган баҳсларида қўйиладиган натижалар қайд этилди: “Кўкюн — 1912” — “Кизилқум” — 2:0, АГМК — “Машъал” — 3:1.

Шундай қилиб, Ўзбекистон кубогининг ярим финалига “Кўкюн-1912”, “Пахтакор”, “Бунёдкор” ҳамда АГМК жамоалари етиб келишди.

Ўзбекистон кубогининг ярим финал учрашувлари 27, 28 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

КИЧКИНТОЙЛАР ҲАМ ФУТБОЛ СИРЛАРИНИ ЎРГАНИШАДИ

Юртимизда миллионлар йўлининг аввало болалар ўртасида янада оммалаштириш таъминлаш мақсадида УФА ташаббуси билан ҳар бир вилоят, ҳар бир шаҳар, туман ҳамда маҳаллаларда болалар ўртасида турли хил турнирлар уюштириш режалаштирилган.

Жорий йилда болалар ўртасида футбол бўйича уюштирилаётган мусобақалар сонини 1000 тага етказиш УФАнинг асосий иш режаларидан бири эканлиги барчага маълум. Шу кунга қадар болалар ўртасида 700 мартадан кўп мусобақалар ўтказилди. УФА бу борадаги таълим самарадорлигини янада ошириш мақсадида Мактабга таълим вазирлиги билан ҳамкорлик меморандумини имзолади.

Меморандумга кўра, республикамиздаги барча мактабга таълим муассасаларида футбол ривожланиши ва оммалашади. Болалар ўртасида мунтазам футбол турнирлари уюштирилади. Энди мактабга таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт инструкторларининг футбол бўйича умумий асосларда биллиларини ошириш мақсадида шаҳарлар, вилоятлар ҳамда республика миқёсида махсус курслар ташкил этилади. УФА футбол мусобақаларини сифатли йўлга қўйишга амалий кўмак беради. Турнир қатнашчиларини спорт буюмлари, совғалар билан УФА таъминлайди. Мактабга таълим муассасаларида УФА томонидан беғул футбол тўғрақлари, гуруҳлари ташкил этилади ва бу тўғрақларга ихтимой химояга муҳтож қатлам

“101”

ҲУШЁРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари пойтахтимиз ҳудудида осойишталикни таъминлаш билан бир қаторда, ёнгинларнинг олдини олиш ва назоратини ташкил этиш, бир сўз билан айтганда профилактика йўналиши борасида кенг қўламли ишларни амалга ошириб келмоқдалар.

Айнан, ёнгин билан боғлиқ ачинарли ҳамда фоживали ҳодисаларнинг олдини олишда тарғибот ва ташвиқот ишлари яхши самара беради. Шундай тадбирлардан бири Сергели туманидаги 12-оилавий поликлиникада бўлиб ўтди. Бу каби учрашувлар Сергели тиббиёт коллежи ўқувчилари, 47-сонли ўрта мактаблар ўқитувчи ва ўқувчилари, 3-сонли юқумли касалликлар клиник шифохонаси, “Қўшбеги”, “Янги ҳаёт” маҳаллаларида аҳоли ўртасида ёнгин техника намоиши билан кенг қўламли ўтказилди. Сўзга чиққанларнинг барчаси йилларини ёнгинлар инсонларнинг бепарволиги ва эътиборсизлиги натижасида, яъни маст ҳолатда сигарета чекиш, болаларни назоратсиз қолдириш, газ плитаси устида кир қуритиш, даэмол ва телевизор каби электр ускуналарини қаровсиз қолдириш жиддий таълофларга, айрим ҳолатларда ҳалок бўлишига олиб келиши ҳақида мисоллар келтиришди.

Ўтказилган ушбу тадбирлар нафақат ёшлар, балки ўқитувчи, тарбиячилар, шунингдек, ишчи ва хизматчиларда катта таассурот қолдирди.

Муслима РАХИМОВА,

Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ катта муҳандиси, майор

Тинч ҳаётимизга таҳдид солувчи хавфлардан бири ёнгин офати бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзидан мудҳиш из қолдириши маълум.

Айни шу “тилсиз ёв” ҳужуми сабабли йилга қанчадан қанча кишилар бошпанасиз қолишади, кўнчилиқ эса саломатлигидан айрилиб, баъзилар эса яқин кишиларини йўқотади. Аҳоли турар жойларидан ташқари содир бўладиган қорхоналар ва турли ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнгинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар, иқтисодиётга ҳам жиддий пугур етказди.

Баҳодир МАМАДАЛИЕВ,
ЁХБ бошлиғи, подполковник

Сиз ҳаётда бир бор бўлса-да ёнгин ҳодисасини кўрганми-сиз? Дайлик, қўшинингизнинг уйдан бирор сабаб билан ёнгин чиқди. Гарчи қўшининг уйи ёнапти-ю кўпроқ қуяётган сиз. Чунки у сизга жонжон қўшни. Ёнапти-ю ёнгин ҳоҳ қатта, ҳоҳ кичик бўлсин, албатта ундан моддий зарар қўрилади. Иккинчидан ёнгиниздаги қўшни хонадон қулаётган ёнапти-ю сизнинг уйингизга ўтиб кетмайди, деб ким гаулаб беради.

Кўриниб турибдики биргина сизнинг ёнгин хавфсизлиги қондаларига амал қилишингиз тинч, осуда яшашингиз учун тўла асос бўла олмади экан. Доимий равишда ёв-атрофнингиздагиларни ҳам ҳушёрлигизга қаратингиз нур устига ало нур. Лекин орамизда шундай инсонлар борми, эҳтиёткорликни унутиб қўйишмоқда. Бу ҳаракатлари билан кўнчилиқнинг азият чекишига сабаб бўлишмоқда, ўзлари охири-охири “Сўнги пушаймон ўзинга душман” деган мақолнинг қаҳадар ҳақ эканлигига амин бўлмоқдалар. Ўз умримизни барбод қилиб, молу давлатимизнинг қўли қўққа етишига йўл қўймайлик.

Ўзбекистон ИИББ ИЗОМОВ,
27-ХЕХҚ ҳайдовчиси, сафдор

Ёнгин оқибатида давлат ва халқ мулкига катта зарар етиши билан бирга, бу офат инсонлар ҳаётига хавф солмоқда. Баъзи ҳолларда ёнгин қиқирини ота-наларнинг ўз фарзандига эътиборсизлиги ҳам сабаб бўлаётди.

Болаларнинг қўлига тўшиб қолган гуғурт “тилсиз ёв”ни юзага келтирувчи асосий омиллардан.

Норуҳ холатларнинг олдини олиш учун катталар эътиборли бўлсалар, ўз уйи, мол-мулки, фарзандининг ҳаётини хавф-хатардан сақлаган бўларди.

Шукурбек НИШОНБЕКОВ,
Шайхонтоҳур тумани ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Оддийгина ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилмаслик қанчалар ачинарли ҳолатларга олиб келади. Шу сабабли ҳар доим ҳушёр бўлишимиз даркор.

Аҳоли турар жойларида содир бўлаётган ёнгинлар таҳлили шуни кўрсатадигани, фуқаролар ёнгин хавфсизлиги қондаларини билсалар-да, унга лоқайдлик билан қарашмоқда. Бундан ташқари, маҳалла ва кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган ҳамшаҳарларимизнинг айриллари маъийш қиқини ахлатларини махсус ташланадиган жойларга эмас, балки уйнинг ёв-атрофига, ариқ четларига ташлаб кетиш ҳоллари ҳам кузатилади.

Атхам КЕНЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ катта инспектори, сержант

Ёнгинлар кўпинча эҳтиётсизлик сабабли юз беради. “Тилсиз ёв” оқибатида нафақат моддий зарар қўрилади. Баъзан у одамларнинг умрига ҳам зомин бўлади. Шу боис ёнгинни бартараф қилганда кўра, унинг олдини олган афзалдир.

Энг ачинарлиси, ёнгин келиб чиқишига айрим фуқароларимизнинг оддий ёнгин хавфсизлиги қондаларини билмаслиги ёки уларга риоя этмаслиги сабаб бўлмоқда. Ўйда ёш болаларни қаровсиз қолдириш, шунингдек, уларнинг бўйи етадиган жойларга гуғурт ва шунга ўхшаш тез аланга олувчи нарсаларни қўйиб кетиш ачинарли ҳолат олиб келмоқда.

Ёнгин қачон, қаерда, нима сабабдан юз беришидан қатъи назар одамларга ташвиш келтирилади. Шундай экан доимо оғоҳ бўлайлик!

Бахитжон АНДАБАЕВ,
“Миллий” стадиони ЁХБ инспектори, сержант



кечаси — 15-17, кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади.

Ўзидрометнинг мостотопи хизмати маълумоти кўра, 27 сен-

Ташкент шаҳрида 27 сентябрь кўни ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Фарбдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат

Ташкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бар ос тарқалиб кеташига имконият яратилди, ифлосла-ниш даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонар (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан бўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табло, офсет усулида босилади.
4631 нускада босилди.
Қорғоз бичими А-2